O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, ғалаба иштиёқи билан чақнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришаётган катта ғалабалар ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 24-aprel • Seshanba • 49 (27.694) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Бухоро шаҳрида «Ижтимоий-сиёсий модернизациялашнинг ҳозирги замон тажрибаси ва барқарорликни таъминлаш масалалари» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Минтақавий сиёсат жамғармаси ва ЕХҲТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчиси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Буюк Британия, Ирландия, Голландия, Исроил, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Словакия, Чехиядан сиёсатшунос экспертлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар вакиллари, сиёсий маданият ҳамда демократик жараёнларни ўрганиш бўйича мутахассислар иштирок этди.

Учрашувда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида жамиятнинг барча жабҳаларини модернизациялаш борасида катта тажриба тўплангани таъкидланди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун демократик ривожланиш жараёнида илгари қўйилган муҳим қадам бўлди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш учун кенг имкониятлар очиб берадиган қонунчиликни янада такомиллаштириш мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми экани таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари фуқаролик жамияти асосларини, демократик бошқарув шароитида вакиллик ва ижро ҳокимияти тизимини шакллантириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий маданиятини оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Мунозара жараёнида қонунчиликка парламентда кўпчилик ва муҳолифат институтлари, шунингдек, унинг самарали фаолият юритишини кафолатлайдиган тизимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда)

ЁШЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг янги биноси очилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан таъмирланиб, фойдаланишга топширилган ушбу замонавий мажмуада йигит-қизларнинг ҳордиқ чиқариши, ўз билим ва дунёқарашини бойитиши учун барча шароит мавжуд.

FUND FORUM. UZ

Марказнинг очилишида талаба-ёшлар, ўқитувчилар, олимлар, санъаткорлар иштирок этди. Унда таъкидланганидек, ёш авлодни соғлом ва баркамол, ўз мустақил фикрига эга шахс этиб тарбиялаш, истеъдод соҳибларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан юртимиз ёшлари учун ташкил этилаётган турли интеллектуал беллашувлар, викториналар, ижодий кўрик-танловлар, санъат фестивалари, бадиий кўргазмалар, спорт турнирлари бунга мисолдир. Жамғарма ўз фаолияти давомида нафақат олий таълим муассасалари талабаларини, балки ёшларнинг барча қатламлари — мактабгача таълим масканлари, умумтаълим мактаблари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, спорт мажмуалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўғил-қизларини ҳам қамраб олаётгани эътиборга моликдир.

Марказнинг мазкур янги биносида замонавий кутубхона ва Интернет залини ўз ичига олган ресурс маркази, компьютер хоналари, турли тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган хоналар талаба-ёшлар ихтиёрида.

Мазкур бинонинг очилиши тўртинчи бор ташкил этилган Ёшлар ташаббуслари форуми доирасида бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздан қарийб уч юз нафар иқтидорли йигит-қиз иштирок этди.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаолият бошлаганига бир йил бўлди. Унда ёшлар турли йўналишларда ўз ғоя ва лойиҳаларини амалга оширмоқда. Марказ янги биносининг йигит-қизлар ихтиёрига топширилиши эса уларнинг бу имкониятини янада кенгайтиради.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

❖ **Экспорт — мамлакат таянчи**



ЎЗИМИЗНИНГ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Пойтахтимизда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий сармоялар ҳисобига барпо қилинган «Nobel Pharmsanoat» корхонасида тайёрланаётган дори-дармонлар бугун хорижда ҳам эътироф этилмоқда

2-бет

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилги ҳисоботи лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича ҳисоб палатаси бош инспектори Олимхон Рустамов сўзга чиқди.

Таъкидлаб ўтилдики, Ҳисоб палатасининг иш фаолияти Президентимизнинг 2002 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари асосида амалга оширилаяпти.

Ҳисобот йили учун Ҳисоб палатасининг иш дастури тасдиқланган эди. Унга мувофиқ, бюджет, солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёнларини ўрганиш мақсадида Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларининг тўлиқ шаклланиши, харажатларнинг асослилиги таҳлил қилинди. Йирик саноат корхоналарида текширишлар ўтказилди. Бундан мақсад экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта ресурсларини тежаш, улардан оқилона фойдаланишдир.

Ҳисобот лойиҳасида қайд қилинишича, палата томонидан маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини кўпайтириш, харажатларни оптималлаштириш ва давлат дотацияси миқдори ҳамда даражасини қисқартириш бўйича жойларда кўрилаётган тадбирлар натижалари ўрганилди. Ҳисоб палатаси ўзининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, ташкилий-услубий, таҳлилий-экспертлик ва назорат-тафтиш фаолиятини амалга оширди.

Фракция йиғилишида депутатларни ушбу ҳисобот ва Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолияти билан боғлиқ кўплаб масалалар қизиқтирди. Уларга Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари ва мутахассислари жавоб қайтардилар.

Савол: — Ҳисоботда айрим идораларнинг давлат бюджети маблағларидан нотўғри фойдаланганги, зарар етказгани, уларни қайтариш йўллари ҳақида айтилган. Аммо, тегишли шахсларга чора кўрилгани ҳақида ёзилмаган...

Жавоб: — Текширишлар натижалари ҳақида барча маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган. Улар бу борада тегишли ишларни олиб бораяпти.

Савол: — Белгиланган дастур бўйича Ҳисоб палатаси томонидан ўтган йилда 20 та вазирлик, идора ва корхона текширилган. Натижаларга кўра, бюджет маблағларидан нотўғри фойдаланиш, қонун бузилиш ҳолатлари мавжуд. Ҳисоб палатасида мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида таҳлиллар ўтказилаяптими?

Жавоб: — Таъкидингиз тўғри. Текширилган идоралар фаолиятида қонун бузилишлар бор. Бунинг сабаби шундаки, биз йил давомида Божхона, Солиқ қўмиталари ва бошқа идоралардан маълумотларни олиб, таҳлил қилиб борамиз. Бу жараёнда қонун бузилиши юз берган бўлиши мумкин бўлган объектлар текшириш учун танланади. Кўриниб турибдики, бундай идоралар рўйхатга шунчаки тушиб қолмайди. Ўтган йилда 15 дан ортиқ текшириш ўтказган эдик. Биз бунда кўпроқ ишнинг сифатини оширишга асосий эътиборни қаратамиз.

Саволингизга келадиган бўлсак, таҳлиллар мутахассисларимиз томонидан ўтказиб борилади. Тегишли идораларга бу борада тавсияларимизни ҳам берамиз.

Йиғилишда ушбу масала юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Беҳзод ШУКУРОВ

«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ!»

Жаҳон чемпиони Руслан Чагаев Андижондаги 50-мактабнинг ўзи ўқиган синф хонасига кириб, доскада ушбу сўзларни ёзди.



Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

Андижонликлар жаҳон чемпиони, ўз ҳамюртлари Руслан Чагаевни катта интиқлик ва ҳаяжон билан кутишаётган эди. Байрамона безатилган Андижон аэропортининг майдони меҳнат фахрийлари, фаоллар, талаба-ўқувчилар билан тўлди. Руслан Чагаевнинг қариндошлари, дўстлари, маҳалладошлари нонтуз ва гулдасталар билан чемпионга пешвоз чиқишди. Карнай садолари янгради, отахон-онахонлар дуога қўл очдилар.

Минглаб мухлислар қўлларида, шаҳар кўчаларида «Руслан, фахримизсан!», «Ғалабанг муборак, мард юртдошим!» сингари фахр-ифтихорли сўзлар битилган шиорлар ва байроқлар...

Аэропортдан шаҳар марказигача Руслан олқишлар билан кутиб олинди. Жаҳон чемпионини Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов қабул қилди ва тарихий ғалабаси билан табриклади.

Учрашувлар бир-бирига уланиб кетди. Андижон шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи Руслан учун қадрдон маскан. У профессионал боксдаги айрим жанглар олдидан шу ерда машғулотларни ўтказган. Ёш спортчилар, бўлажак чемпионлар уни кўзларида ўт чақнаб кутиб олишди. Эсда қоларли суҳбатлар бўлди.

Андижон давлат университетида ҳам жаҳон чемпиони ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинди. Тантана қатнашчилари унинг ғалабасидан қанчалик қувонганликлари ва у билан фахрланишларини изҳор этишди.

Навбатдаги шарафлаш маросими Руслан Чагаев ўқиган Андижон шаҳридаги 50- мактабда бўлиб ўтди.

— Бир пайтлар мен ҳам сизлардек шу мактабда ўқиганман, — деди Руслан Чагаев. — Мени улкан ғалабаларга онамдек меҳрибон бўлган Галина Николаевна Студиникина сингари устозларим руҳлантирган. Эришган ғалабамда бошқа мураббийларим қатори уларнинг меҳнатлари ҳам катта.

Ўқувчилар чемпион ва устозни қуршаб саволларга тутдилар. Ўзларининг орзу-ҳаваслари бир оламлигини билдирдилар. Болалар ва ёшлар бу ғалаба уларни қаттиқ ҳаяжонга солгани, улар ҳам спортда, ҳаётда ана шундай улкан ютуқларга эришишни орзу қилишаётганини айтишди.

Руслан Чагаев ўзи ўқиган 2-синф доскасига йирик ва чиройли ҳарфлар билан ўзбек тилида **«Ўзбекистон — менинг Ватаним!»** сўзларини ёзди.

Ушбу сўзлар замирида қанчалик катта бахт, ғурур бор эди. Тўпланганлар гулдурос қарсаклари билан уни яна бир бор олқишлашди.

Руслан қариндошлари, дўстлари ҳамроҳлигида Эйвойота қабристонига бориб,онаси — Замирахон ая ва отаси Шамил ака қабрларини зиёрат этди, Қуръон тиловат қилинди.

— Руслан бизнинг — фахримиз, — дейди тажрибали муаллима Валентина Ионова. — Руслан бизнинг ўғлимиз. Унинг мактабда яхши ўқиб, спорт билан мунтазам шуғулланганлиги шундай таниқли бўлишига замин яратди.

— Русландек ватанпарвар, мард ўғлонимиз билан ғурурланамиз, — деди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Таваккал Топволдиев. — У андижонликларга хос шижоат ва жасорат кўрсатди. Ватанпарварликнинг ёрқин намунасини намоён этди.

Ҳа, бугун Андижоннинг ҳар гўшасида байрам, тантана. Андижонликлар баҳодир ўғлони Руслан Чагаев билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: Руслан ўзи ўқиган мактабда; кутиб олиш тантаналаридан лавҳалар.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялаган

❖ ЎзХДП вилоят кенгашларида

ЭРТАНГИ КУН ТАШВИШЛАРИ

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан Тайлоқ агробизнес коллежида бўлиб ўтган учрашувда бугун ҳаётимизда учраб турган айрим муаммолар юзасидан атрофлича фикр юритилди

Тадбирда дастлаб, Тайлоқ туман агробизнес коллеж талабалари томонидан миллий урф-одатларимизни тараннум этувчи бадиийлаштирилган саҳна чиқишлари намойиш этилди. Сўнг вилоят адлия бошқармаси ходими, адлия катта маслаҳатчиси Замира Аҳмедованинг «Расмий никоҳ ва оила мустаҳкамлиги» мавзуидаги чиқиши иштирокчилар учун фойдали ва қизиқарли бўлди.

ЎзХДП вилоят шаҳар, туман кенгашлари раислари «Фаол аёллар» қаноти вакиллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари ва Тайлоқ туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчилари ҳамда талаба ёшлар иштирок этган учрашувда партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотининг иш фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари хусусида очиқ мулоқот ўтказди.

Мулоқотда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ва шунингдек, ЎзХДП Дастури замирида ҳам ижтимоий муҳофаза масаласи ётганлиги таъкидланди. Шунингдек, ёш оилалар томонидан тиббий маданиятга жиддий эътибор қаратилса фойдадан холи бўлмаслиги айтилди.

Мавсума ҒОФУРОВА, «Сочаки поён» маҳалласи раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Одатдаги йиғилишлардан ўзгача кайфиятда ўтган бугунги мулоқот ҳар бир иштирокчи қалбида мавжуд муаммоларни бартараф этишга етарлича куч-ғайрат уйғотди десам муболаға бўлмайди.

Йиғилишда айтилган ҳар бир гап ҳаётий бўлиб, кундалик турмушимизда, кўз ўнгимизда бугун юз бераётган мисоллар орқали таҳлил қилинди. Бу турмушимизда юз бериши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман.

Фирдавс СОБИРОВ, Тайлоқ агробизнес коллежи талабаси:

— Тадбир ташкилотчилари томонидан биз ёшларга қўйилган талаблар жуда ўринли, деб ўйлайман. «Қанақа бадиий китоб ўқидингиз?» дея қўйилган саволдан тенгдошларимиз тўғриси уялиб қолишди. Чунки бугун бадиий адабиёт мутолаа қиладиган тенгдошларимиз камлиги сезилиб қолди. Эрта-индин оила қуриш остонасида турган тенгдошларимизга оиланинг муқаддас туйғулари, миллий менталитетимизга хос соғлом авлод давомийлиги хусусидаги хилмахил фикрлар бизни янаям сергаклантиради. ЎзХДП қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти илгари сураётган ғоялар, фикрлар бизга жуда маъқул бўлди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишда самарали иштирок этиш Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг диққат марказида турибди.

Навоий вилоят кенгашининг 2007 йил 21 апрелда бўлиб ўтган пенумида ҳам ушбу масалалар ҳар томонлама муҳокама қилиниб, Ўзбекистон ХДПнинг вилоятдаги барча тузилмалари ва депутатлик гуруҳлари олдига бу борада олиб борилаётган ишларни янада юксалтириш вазифаси қўйилди. Пленумда таъкидланганидек, нафақат партия кенгашлари, балки маҳаллий Кенгашлардаги барча депутатлик гуруҳлари ҳам «Ижтимоий ҳимоя йили» вазифаларини бажариш юзасидан ўз дастурини ишлаб чиқиб, амалга оширишлари зарур. Дастурларда эҳтиёжмандларга маънавий-маданий мадад берилиши ҳам кўзда тутилиши муҳим. Бугунги кунда туман ва шаҳар кенгашларининг ташкилотчилик ишларини кучайтириш, вилоят партия кенгашининг мувофиқлаштириш ролини оширишнинг аҳамияти катта.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури юзасидан олиб бориладиган ишларда партия электоратига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Партия қуйи бўғинлари асосий эътиборни электорат орасида ишлашга қаратиши лозим.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари этиб сайланган Баҳодир Норов Навоий вилоят партия кенгаши раиси ва ижроия қўмитаси аъзоси вазифасидан озод этилди. Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаётган Шерали Умаров Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари Баҳодир Норов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари таркибидаги сиёсий партиялардан, шунингдек, фуқароларнинг ташаббус гуруҳларидан сайланган депутатларга марказ ва жойларда ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатиш, ҳукумат фаолиятини парламент томонидан самарали назорат қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда фаол иштирок этиш имконини берадиган ҳуқуқий механизмлар кўриб чиқилди.

Учрашувда Ўзбекистон парламенти томонидан яқинда қабул қилинган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиздаги сиёсий ва давлат қурилишига, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий туб ўзгаришларнинг амалга оширилишига таъсир кўрсатиши таъкидланди.

ЎзА мухбири учрашувлар якунлари бўйича чет эллик иштирокчиларнинг фикрлари билан қизиқди.

— Президент Ислом Каримовнинг барча даражадаги қарорларни қабул қилишда сиёсий партиялар ролини оширишга қаратилган ташаббуси юксак ижобий аҳамиятга эга, — деди Словакия Фанлар академияси Сиёсий тадқиқотлар институтининг илмий ходими Юрай Марушиак. — Биз мамлакатингизда институционал демократия асослари яратилаётгани ва жадал ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдик.

— Яқинда қабул қилинган конституциявий қонунни амалга ошириш Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, мамлакатингизни янада демократлаштиришга ёрдам беради, — дейди Амстердам университети профессори Адре Герритс. — Бунинг бутун жамият учун фойдаси катта. Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим. Бу ерда қўплаб ижобий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй бераётганини ўз кўзим билан кўрдим. Тошкент ва қадимий Бухоро менда катта таассурот қолдирди, бу ерда узоқ ўтмишнинг маҳобатли ёдгорликлари замонавий биноларнинг ёнма-ён жойлашган, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт гуркираб ривожланмоқда.

— Шуниси эътиборга лойиқки, Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсиш кузатилмоқда, ривожланишга тўсқинлик қилаётган барча таҳдид ва муаммолар муваффақиятли бартараф этилмоқда, — дейди Россия Федерацияси Жамоатчилик палатаси аъзоси, Сиёсий тадқиқотлар институти директори Сергей Марков. — Бу ерда сиёсий плюрализм шакланмоқда, партияларга катта имкониятлар берилган, энди партияларни аҳоли қўллаб-қувватлаши учун улар янада фаол ишлаши, одамларнинг хоҳиш-иродасини янада фаолроқ ифода этиши лозим.

— Мен ўтган йили ҳам Тошкентда бўлган халқаро конференцияда иштирок этган эдим, — дейди Сайлов тизимлари халқаро эксперт маркази президенти, Исроилдаги Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари институти директори Александр Цинкер. — Бу гал эса қадимги Бухорони кўриш насиб этгани учун менга Исроилда кўпчилик ҳавас қилиши табиий. Ўзбекистон илғор хорижий тажриба ва ўз ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда демократик тараққиёт йўлини танлади. Қабул қилинган янги қонун демократлаштириш жараёнини давом эттириш мумкин бўлган конституциявий асос ҳисобланади. Бугун кўп нарса сиёсий партияларга, уларнинг Президент ва парламент томонидан берилган имкониятлардан нечоғли оқилона фойдаланишига боғлиқ.

— Биз Ҳиндистонда юртингизда рўй бераётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатамиз, — деди Ҳиндистон қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази бош директори Мальхотра Рашпал. — Президент Ислом Каримовнинг сиёсий партияларнинг ролини оширишга доир ташаббуслари ўз вақтида қабул қилинган қарор, деб ўйлайман. Мамлакатингизда одамлар сиёсий ҳаётда кенг иштирок этиш имконига эга ва бу, албатта, иқтисодиётни ривожлантиришга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Президент Ислом Каримовнинг пухта ўйланган сиёсати мамлакатингиз аҳолиси томонидан янада кенг қўллаб-қувватланишига ишончимиз комил.

Халқаро учрашув қатнашчилари Тошкентда ҳам бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Минтақавий сиёсат маркази ва бошқа ташкилотларда учрашувлар ўтказди.

А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири

❖ ЎзХДП: сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЭЛЕКТОРАТ: МАНФААТ, МУАММО, ЕЧИМ

Электорат манфаатлари учун курашиш сиёсий партияларнинг асосий фаолият йўналишларидандир. Бу борада қанчалик самарали меҳнат қилинса, келгуси сайловолди кампанияларини ташкил қилиш ва муваффақиятга эришиш ҳам осон кечади. Ўз суянадиган ва қўллаб-қувватлайдиган қатлами ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган сиёсий куч кейинги фаолиятини реал ҳаётдан келиб чиқиб режалаштира олади. Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон ХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати доирасида ташкил этилаётган семинарлар партия электоратининг ижтимоий таркиби, манфаат ва эҳтиёжлари, муаммоларини ўрганиш, мониторинг қилишда БПТнинг роли масалаларига бағишланаяпти.

Ўзбекистон ХДП Бектемир туман кенгашида ҳам худди шундай семинар бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши ва ижроия қўмитаси аъзолари, БПТ раислари ва партия фаоллари иштирок этдилар.

— Электоратини билмайдиган, у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлмаган сиёсий партия ўз мақсад-муддаосини ҳам белгилай олмайди, — дейди ЎзХДП Бектемир туман кенгаши раиси Ҳабибулла Рўзиметов. — Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг аниқ электоратига эга сиёсий кучдир. Электоратимиз орасида мунтазам иш олиб бориш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги курашни бир дам ҳам тўхтатмаслигимиз зарур. Чунки, сайловчи сиёсий партиянинг амалий ишларига қараб, муаммоларни ҳал қилишдаги ёндашувларини кузатиб, сўнг уни қўллаб-қувватлайди ёки аксинча...

— Туманимизда 4110 нафар пенсионер бор, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлим мудири Мавлуда Содиқова. — Уларнинг 908 нафари ногирон, 600 нафари меҳнат стажисиз нафақа олувчилардир. 50 нафар якка-ёлғизлар истиқомат қилади. Улар партиямиз электоратининг бир қисми. Албатта, давлат томонидан ажратилаётган моддий ёрдам ва нафақаларини олиб туришади. Бундан ташқари, уларга яна жамиятнинг кўпроқ эътибори, жамоатчиликнинг ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдами зарур. Бу борада ХДП ташкилотлари, фаоллари билан ҳамкорликда ишлашни изчил йўлга қўйсак, барчамиз учун манфаатли бўлади, деб ўйлайман.

Семинар сўнггида кўтарилган муаммолар юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мониторинг олиб бориш ва улар асосида тегишли идораларга мурожаат этишга келишиб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

ҚАДАМЖО ОБОД ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни қайта тиклаш, буюк аллома ва азиз авлиёларимизнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаб, ободонлаштириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманидаги Ешим охун ота зиёратгоҳи атрофи ҳам кўкаламзорлаштирилиб, обод гўшага айландирилди, сув келтирилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Қадамжога элтадиган 2,2 км узунликдаги йўл «Бешкўпир» овул фуқаролар йиғини ҳудуди аҳолиси томонидан ҳашар йўли билан тош тўкиб, асфальт ётқизишга тайёрлаб қўйилди. Келажакда бу масканни янада ободонлаштириш, кириш қисмига миллий услубда ишланган дарвоза қуриш режалаштирилган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

❖ Экспорт — мамлакат таянчи

ЎЗИМИЗНИНГ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида иш юритаётган ҳар қандай мамлакат ривожида унинг экспорт салоҳияти муҳим ўрин эгаллайди.

Туркиянинг «Nobel Ilac San.VeTic A.S» ширкати инвестициялари иштирокида 2000 йилда Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Nobel Pharmsanoat» корхонаси ҳам ана шундай мақсадларни кўзлаб ташкил қилинган.

Корхонанинг лабораторияси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни дунё сифат стандартлари даражасидаги аниқликда назорат қилиш имконига эга. Асосийси, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакатимиздаги қатор даволаш муассасаларида муваффақиятли синовдан ўтган ва сертификатлангандир.

Бу ерда нафас йўлларини кенгайтирувчи, инсон аъзоларидаги турли оғриқлар, яллиғланиш, аллергия, замбуруғ ва зарарли микробларга қарши 45 хилда препаратлар ишлаб чиқарилади.

Айни дамда, дори-дармонлар Афғонистон, Тожикистон каби давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Шу кунларда, қўшни Қозоғистонга 60 минг қути дори-дармон етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланди.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: лаборатория ходими Хуршида Баязипова; корхона иш фаолиятидан лавҳа.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

❖ Партиямиз фаоллари

БИР ОИЛАДА 20 КИШИ...

Янгиер шаҳрида истиқомат қилаётган Абдураҳмон Сайдалиев оиласида 20 киши ЎзХДП аъзоси

Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши раиси, педагогика фанлари номзоди Исматилла Исоқов шундай дейди:

— Шаҳримизда 600 нафардан кўпроқ ХДП аъзолари бор. Улар 20 та бошланғич ташкилот атрофига бирлашган. БПТ орасида маҳалладаги ҳудудий ташкилот алоҳида нуфузга эга. Бунинг бир сабаби, маҳалладаги катта оила — Абдураҳмон Сайдалиев хонадонида партиямиз аъзолари сони 20 нафарга етди. Барчаси эътиқодли, ўз хоҳишлари билан партиямизни танлаган аъзолардир.

Дарвоқе, Абдураҳмон ака билан Ҳалима опани шаҳарда кўпчилик яхши билади. Уларнинг оиласида ўн ўғил, бир қиз вояга етди. Ўн ўғилга ўн келин тушди, қиз турмушга чиқди. Айни пайтда ҳаммаси уйли-жойли. Қизиғи шундаки, оила бошлиқлари ЎзХДП аъзолари бўлганиданми ёки бошқа сабабдан ҳартугул, бу оилада фарзандлар ҳам, келинлар ҳам шу партия сафига ўтишни ихтиёр этишди.

— Ўзим ҳам ҳайронман, — дейди Абдураҳмон ака. — Фарзандларим, келинларимнинг ҳеч бирига фалон партияга киргин, деб айтган эмасман. Тўғри, оила даврасида баъзан онаси билан ўзимиз аъзо бўлган ЎзХДП тўғрисида, унинг дастурий мақсадлари, асосий вазифалари ҳақида суҳбатлашиб турамиз. Лекин турли касб-кор, ёш ва феъл-атворли ўғилларим ва келинларимнинг айнан ХДПни танлашганини кутмаган эдим.

«Сиз нега ХДПни танладингиз?» деган саволимизга Абдураҳмон аканинг кенжа келини Саодатхоннинг жавоби бундай бўлди:

— Сиёсий партиялар аввало назарий ғояларидан амалий ишларга ўтиши зарур, деб ўйлайман. Мавсумий ишлар, қуруқ гаплар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Одамлар партияларга уларнинг амалий ишларига қараб баҳо беришади. Бундай ҳаракатлар ХДПда кўпроқ ва самаралироқ бўлаётир. Атрофингизда кечаётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларга разм солсангиз, сиз ҳам бунга амин бўласиз. Қайси бир тадбир бўлмасин, уларда ХДП бошланғич ташкилотлари, шу партиядан туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари иштирок этишади, бош-қош бўлишади. Демак, бугун қайси сиёсий партия ҳаракатчан, ташаббускор ва ташкилотчи бўлса, халқ орасида ўша партиянинг обрўси юқори бўлиши, қайси партиянинг етакчилари, фаоллари жонкуяр, қатъиятли бўлса, ўша партиянинг таъсирчанлиги ошиши табиий ҳол. Шуларни ўйлаб эътиқодимни, ғоявий қарашларимни сўл сиёсий куч билан боғлашни ихтиёр этдим. Қайноғаларим, овсинларим ҳам ўз хоҳишларича шу партияни танлашган.

Абдураҳмон ака ва Ҳалима опа, уларнинг ўғил-қизлари, келинлари партиянинг дастурий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, шаҳардаги кўпгина савобли ишларда фаол иштирок этишаяпти. Уларнинг шаҳар марказидаги каттагина ташландиқ майдонда гулзор барпо қилганликлари, 300 тупдан зиёд дарахт ўтқазиб, гўзал боғ бунёд этганликлари, 1-умумтаълим мактабини оталиққа олганликлари, «Хотира майдони» қурилишидаги иштироклари, ногиронлар, кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганларга кўрсатаётган беминнат ёрдамлари хусусида шаҳарда катта-ю кичик ҳурмат билан гапиришади. Бу ҳам партия ғояларини амалга оширишга қўшилган ҳисса, партиявий фаоллик намунаси наздимизда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 24 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1046,79	1 Малайзия рингити	366,71	1 ЕВРО	1705,00
1 Англия фунт стерлинги	2513,65	1 Польша злотийси	450,86	10 Жанубий Корея вони	13,54
1 Дания кронаси	228,86	1 СДР	1914,38	10 Япония иенаси	105,81
1 БАА дирхами	341,66	1 Туркия лираси	935,78	1 Россия рубли	48,78
1 АҚШ доллари	1254,69	1 Швейцария франки	1039,25	1 Украина гривнаси	248,45
1 Миср фунти	221,09				
1 Исландия кронаси	19,45				
1 Канада доллари	1116,97				
1 Хитой юани	162,42				

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Муаммо. Мулоҳаза. Таклиф

«SEKOND HAND»

ЯЪНИ КИЙИЛГАН КИЙИМЛАРНИНГ ГИГИЕНИК НАЗОРАТИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР



Маълумки, кўпчилик сифатли, бежирим, айни чоғда арзон нархда кийим-кечак сотиб олгиси келади. Айримларни эса маҳсулотнинг нархи эмас, балки қайси мамлакат ёки фирманики эканлиги кўпроқ қизиқтиради. Аммо, кийилган эски кийимлар сотувга чиққан бўлса-чи?.. Уларнинг сифати ва гигиеник кафолатига ким жавоб беради? Сир эмас, ҳозир кийилган кийимлар дўконлари пайдо бўлаяпти. Тўғри, бундай дўконлар кўп мамлакатларда бор. Улар ҳам аҳолининг қайсидир қатламига хизмат қилмоқда. Лекин кийилган кийимлар сифати ҳақида турли мулоҳазалар ҳам билдирилмоқда.

Тошкентдаги кийилган кийимлар дўкони — «Sekond hand» (маъноси, иккинчи қўл)да турли хил кийимлар бор: аёллар кўйлаги, шими, юбкаси, тунги кўйлакларидан тортиб ички кийимларигача... Эркаклар учун мўлжалланган расталарда ҳам шундай. Бундан ташқари, болаларга мос келадиган кийим-кечаклар, кўрпа, ёстиқ жилдлари ҳам муҳайё. Ҳар бирининг тепаси ёки ёнига «1 кг. 7000 сўм», «10000 сўм», «15000 сўм», деб ёзиб қўйилган. Ёзувлар нимани англатишини сотувчидан сўрадик.

— Бу ердаги кийимлар килограммлаб сотилади. Ёзувда килосининг нархи кўрсатилган.

Сотувчининг гап-сўзларига қараганда, бундай кийимлар Европа давлатларидан кириб келаётган эмиш.

— Бу кийилган кийимларда ҳар хил вируслар бўлиши мумкин, шу боисдан санитария-эпидемиология маркази назоратидан ўтганми? — деб сўрадик.

— Сизнинг нима ишингиз бор?

— Кечирасиз, исмингиз нима?

— Исмимни нима қиласиз, ўзингизга ёққан кийимни олаверинг-да...

2

Қизиғи шуки, «Sekond hand»да сотувчи бўлиб ишлаётганлар негадир ўзларини таништиришдан бироз хижолат қиладигандай таассурот қолдиради кишида. Бундан ташқари, кийимлар ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун савол бера бошласангиз, саволларингиз жавобсиз қолиши мумкин.

Ростини айтганда нафақат сотувчи, балки айрим харидорлар ҳам ташрифидан хижолатда кўринади.

— Қанчага олдингиз? — деб сўрадик бир харидордан.

— Нимани?

— Кўлингиздагини?

— Ҳеч қанчага, — дея аччиқланиб узоқлашди у.

Бошқаси ҳам шундай йўл тутди. Сабаби тушунарли, албатта. Таниш-билиши кўриб қолса, хижолатда қолиши мумкин. Чунки сотиб олган нарсаси янгимас, аввал кимлардир кийган кийим-да...

Ишбилармонлик яхши. Кимлардир уни олиб келиб, бозорларимизни бойитаяпти, дейишимиз мумкин. Лекин кўнгилнинг бир четидан «бу товарлар аввал кийилган-да» деган ўй ўтади. Бошқа мамлакат фуқаролари кийган кийимларни юртимизга олиб келиб сотаётган тадбиркорлар ҳам озгина бўлсада хижолат тортишар ёки... ким билади дейсиз.

Тўғри, «Sekond hand»даги кийимлар бирмунча арзон. Унга киришнинг ҳам, харид қилишнинг ҳам ҳеч бир уят жойи йўқ. Лекин, мутахассислар фикрича, ҳар хил тери касалликларини келтириб чиқарувчи шундай микроблар борки, ҳатто кимёвий усул билан тозалангандан сўнг ҳам тирик қолар экан.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дерматология ва венерология илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори Шароф ИБРАГИМОВдан шу масалада фикр сўрадик.

3

❖ Қонун барчага баробар

МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Тўғриси, ҳамма ҳам иқтисодий масалаларда етарли тушунчага эга деб бўлмайди. Тўлаётган солиқларимизнинг давлатимиз қудратини ошириш, халқимиз турмуш шароитини яхшилашга дахлдорлигини барча бирдек ҳис этавермайди. Натижада баъзи фуқаролар солиқ тўлашдан бўйин товламоқчи бўладилар. Айрим юртдошларимиз эса била туриб қинғир ишга қўл урмоқдалар.

Солиққа оид жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш ҳамда давлатга етказилган зарарларни ундириш, шунингдек, яширин иқтисодиётни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Иноят ШУКУРОВ билан суҳбатлашдик.

— Иноят Раҳматуллаевич, орамизда даромадни яшириб, сохта ҳужжатлар тузиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттирмоқчи бўлганлар учраб туради. Ана шундай қинғир ишга қўл ураётганларга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида асосий эътибор иқтисодиёт, солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, нақд пул маблағларининг ноқонуний айланиши манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш, ҳуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш, давлатга етказилган иқтисодий зарарни аниқлаш ҳамда ундиришга қаратилди.

Бошқарма томонидан хўжалик юритувчи субъектларда жами 399 та текширув ва тадбирлар ўтказилиб, давлат бюджетига 2,7 млрд. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланган.

Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан 216 та жиноят ва 160 та маъмурий иш қўзғатилди.

2007 йил биринчи чорагида давлат бюджетига 2 млрд. сўм маблағ қўшимча ундирилиши таъминланди.

Ҳуқуқбузарлардан мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб келинган ва муомалага киритилган 1 млрд. 493 млн. сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилди.

Бошқарма томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш борасида олиб борилган тезкортаҳлилий ва қидирув ишлари натижасида 64 та ҳолатда 7,2 млрд. сўмлик ноқонуний товар-пул айланмаси аниқланди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир қатор Фармон ва қарорлар чиққанлигига қарамасдан айрим юридик шахслар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлашлик ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

— Яширин цехлар ҳам иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари одамлар саломатлигига катта хавф солмоқда. Жиноятнинг бу турига қарши қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Яширин цехлар фаолияти-ни фош этиш ҳолатлари юзасидан аниқланган 13 та қонунбузарлик ҳолатининг 6 таси бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб 18,3 млн. сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилди.

Жумладан, бошқарманинг Шайхонтоҳир туман бўлими ходимлари томонидан Чилонзор тумани, С.Раҳимов метро бекати олдида ўтказилган тадбирда фуқаро Ж.Ниёзов қўлбола усулда ишлаб чиқарилган 405 шиша спиртли ичимликларни харидор А.Усановга қонунга хилоф равишда 450 АҚШ долларига сотган. Шунингдек, фуқаро Ж.Ниёзов ўзининг яшаш манзили, яъни Юнусобод тумани, 18-даҳа, 37-уй, 9-хонадонда спиртли ичимликларни ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил этиб, спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ароқ қопқоқлари ва спирт маҳсулотларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси акциз маркаларини, елим қопқоқ ва бошқа турдаги хомашёларни ўз ихтиёри билан тақдим этди. Яширин цех эгаси энди қонун олдида жавоб беради.

— Ҳукумат қарорига кўра, мамлакатимизга ноқонуний товарлар олиб кирилиши ва сотилиши мумкин эмас. Шунга қарамай ҳамон тартибни бузиш ҳолатлари давом этмоқда.

— Аччиқ бўлса-да, айтиш керак, тартибни бузаётганлар «ҳеч ким билмайди», дея калта ўйлашади. Оқибатда ўзларига ташвиш орттиришяпти.

Мамлакатимиз ҳудудига товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва савдога чиқарилишини фош этиш борасида 132 та ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 1,2 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилди.

Масалан, Миробод тумани, Бехтеров кўчасида тадбир ўтказилганида «MURAT KAN YASHAR» МЧЖ экспедитори К.Иброҳимов хорижда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 6 турдаги қурилиш буюмларини харидор У.Асадуллаевга 1 млн. 520,0 минг сўмга сотиб, харид чеки бермаган. Мазкур ҳолат юзасидан «MURAT KAN YASHAR» МЧЖ экспедитори К.Иброҳимовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, олиб борилган суриштирув ҳаракатлари жараёнида фуқаро Б.Ҳасанов гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганда хорижда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган товар моддий бойликлар борлиги аниқланди.

Шайхонтоҳир туман ДСИ рўйхатидан ўтган «CHORSU SAVDO MARKAZI» ОАЖ ХКда ўтказилган ҳужжатли текширишда корхонанинг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари томонидан савдо қоидалари бир неча бор бузилиб, фойда ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширганлиги аниқланди.

Текширишда «CHORSU SAVDO MARKAZI» ОАЖ ХК омбор мудири Йилдыз Южелнинг моддий жавобгарлигида бўлган омборхона ва супермаркет савдо расталаридаги товар-моддий бойликлар кўздан кечирилиб, ҳисобдан ўтказилганда бухгалтерия ҳисоботларида кўрсатилмаган, божхона юк баённомалари, сифат сертификатлари бўлмаган 320.001.809 сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорига зид равишда олиб келинганлиги маълум бўлди. 320.001.809 сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди.

Шунингдек, омбор мудири Йилдыз Южелнинг моддий жавобгарлигидаги товар-моддий бойликларда 110.331.166 сўмлик камомад бор экан. «CHORSU SAVDO MARKAZI» ОАЖ хорижий корхонаси мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар суд томонидан жазоланди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаролар П.Якубов, А.Цой ва хусусий тадбиркор М.Ларионов ҳамда «TRADE & PRODUCTION INTERNATIONAL» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси консультанти Е.Киамилевлар ўзаро жиноий тил бириктириб, савдо кўрсатиш қоидаларини кўп миқдорда бузиш ҳамда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаб фаолият юритиб келаётганликлари аниқланди.

Ўтказилган тадбирда фуқаро П.Якубов бошқарувидаги давлат рақами 30 А 06-80 «Нексия» русумли автомашина тўхтатилиб, кўздан кечирилганда, автомашина салонида «TRADE & PRODUCTION INTERNATIONAL» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси консультанти Е.Киамилев, унинг тан соқчиси А.Цой ва хусусий тадбиркор М.Ларионовларга тегишли 3.449.850 сўм нақд пуллар мавжудлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Улардан автомашинадан топилган нақд пуллар ҳақида сўралганда бу пуллар «TRADE & PRODUCTION INTERNATIONAL» қўшма корхонасига тегишли бўлган чой маҳсулотлари сотувидан тушганлиги ва банкка топширилмаган нақд пуллар эканлигини ҳамда бу пулларни Е.Киамилевнинг уйига олиб кетишаётганликларини билдиришган.

Қўшма корхона офиси жойлашган Шайхонтоҳир тумани, Генерал Узоқов кўчаси, 2-уйда ўтказилган тинтув давомида 954.200 сўм, турли фуқароларнинг қарз олганлиги тўғрисидаги тилхатлар, бир нечта хўжалик юритувчи субъектларнинг муҳрлари, шунингдек, Е.Киамилевга тегишли Ҳамза тумани, Бакинская кўчаси, 164-уйда ўтказилган тинтувда эса 33.027 АҚШ доллари, 19.806.200 сўм пул, 15.000 валюта қийматидаги йўл чеклари борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

— Шу ўринда валютага оид жиноятлар хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Шу йилнинг биринчи чорагида валютага оид 65 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 21 та жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 45312 минг АҚШ доллари, 6,2 минг Россия рубли ва 16,1 млн. сўм олиб қўйилган.

Экспорт, импорт ва бартер операцияларини амалга оширишда содир этилган қонунбузилишларни аниқлаш, олдини олиш бўйича ўтказилган ўрганиш жараёнида 40 та корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилган экспорт-импорт операцияларида 60 та шартнома бўйича жами 4 млн. 344 минг АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйилганлиги аниқланди. Олиб борилган профилактика ишлари натижасида муддати ўтган дебитор қарздорликни 2 млн. 21 минг АҚШ долларга қисқартиришга эришилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш учун профилактик тадбирларга катта аҳамият беряпмиз. Буларнинг барчаси қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган. Қисқача айтганда, сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйиш, ноқонуний нақд пул айланмаларининг олдини олиш, мамлакатимиз ҳудудига тартибга зид ҳолда товарлар олиб келиниши ва сотилишига қарши курашишдан кўзланган мақсад — иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш.

Суҳбатдош:
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Франция ниҳоят тарғибот-ташвиқот ишлари якунланиб, якшанба куни президент сайловининг биринчи тури бўлиб ўтди. Мамлакат қонунчилигига кўра, агар номзодлар белгиланган меъёрда овоз ололмасалар, энг кўп овоз олган икки номзод иккинчи тур сайловларига йўлланма олади ва шундай бўлди ҳам. Президентлик учун 12 номзод кураш олиб борган бўлса, ҳеч бири 50 фоиздан юқори овоз ололмади. Улар орасида «Халқ ҳаракати иттифоқи учун» ҳукмрон партиясидан номзод, 52 ёшли Николя Саркози, мухолифатдаги Социалистик партия вакили, 53 ёшли Сеголен Руаял хоним, демократ-центристлар етакчиси Франсуа Байру ва «Миллий фронт» партияси етакчиси Жан-Мари Ле Пенлар ўз тарафдорлари кўплиги билан бошқа номзодлардан ажралиб турдилар. Бироқ «финал»га чиқиш Николя Саркози билан Сеголен Руаялга насиб этди.

«France Presse» ахборот агентлигининг маълум қилишича, мамлакат Ички ишлар вазирлиги сайлов натижаларини эълон қилди: Н. Саркози — 31,11 фоиз, С. Руаял хоним — 25,84 фоиз, Ф. Байру — 18,55 фоиз, Жан-Мари Ле Пен — 10,51 фоиз овоз олган.

Сайловда иштирок этиши учун рўйхатга олинган 44,5 миллион кишидан 84,6 фоизи қатнашган. Биринчи турдаги бу кўрсаткич 1965 йилдан бери илк бор қайд этилган рекорд натижадир.

Дарвоқе, сайлов натижаларига хорижда юрган 820 минг французнинг овози ҳали қўшилмаган. Улар ҳам хорижда ташкил этилган сайлов участкаларида овоз берганлар. Унинг натижалари бугун эълон қилинади.

Қисқаси, иккинчи тур сайловлари 6 май куни бўлиб ўтади. Унда сайловчилар Николя Саркози билан Сеголен Руаял номзоди учун овоз берадилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Ipsos» жамоатчилик фикрини ўрганиш институти биринчи сайлов тури бўлиб ўтишидан бир неча кун аввал сўров ўтказиб, кимга қанча овоз берилиши мумкинлигини аниқлаган эди. Унга кўра, Саркози 30 фоиз, Руаял эса 25 фоиз овоз олиши айтилганди. Сайлов натижалари эса бу тахмин ҳақиқатга нечоғли яқинлигини кўрсатди. Эндиликда ушбу институт иккинчи тур сайловлари натижалари қандай бўлиши ҳақида ҳам сўров ўтказиб, куни кеча уни эълон қилди: Н. Саркози учун 54 фоиз, С.Руаял учун эса 46 фоиз сайловчи овоз бериши мумкин экан.

ИМПИЧМЕНТ ЭЪЛОН ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ

Американинг Вермонт штати сенати мамлакат президенти Жорж Буш ва вице-президенти Дик Чейнига нисбатан импичмент эълон қилишга чақирувчи резолюция қабул қилди. Резолюцияда ёзилишича, — дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарида, — Ж.Буш ва Д.Чейнининг мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги фаолияти конституция ва қонунчиликка тўғри келмаётгани ҳамда жамоатчилик ишончини суиистеъмол қилаётгани билан жиддий хавф туғдирмоқда.



Резолюцияни қўллаб-қувватлаб 16 сенатор овоз берган бўлса, 9 нафари қарши чиқди.

Умуман, кейинги пайтларда штатнинг 40 га яқин маҳаллий йиғинлари вакиллари Бушга импичмент эълон қилинишини қўллаб-қувватлаб овоз берган ва бошқаларни ҳам шунга чақирган.

5 КИЛОМЕТРЛИ ДЕВОР

Америка маъмурияти суннийлар яшовчи Ироқнинг Бағдод шаҳридаги Адҳамия туманини шиалар яшовчи учта мавзедан ажратиш учун 5 километр узунликда девор қурмоқда. Америкаликларнинг айтишларича, уч томони шиалар яшовчи мавзелар билан ўралган ушбу суннийлар тумани доимий порт-лашлар ва отишмалар майдони бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бундай қарама-қаршиликларни тўхтатиш мақсадида девор қурилмоқда.



«Reuters» ахборот агентлигининг маълум қилишича, асосан суннийлар яшовчи Доура туманида ҳам худди шундай девор апрель ойи бошида қурилиши бошланган. Бу ерда шиалар мавзеси суннийлар мавзесидан ажратилмоқда. Америка қўмондонлигининг изоҳ беришича, мақсад диний мазҳабларни ажратиш эмас, балки зўравонликларнинг олдини олиш ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш.

Бироқ, «France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, Ироқ бош вазири Нури ал-Малики ушбу девор қурилишига қарши чиқиб, қурилишни тўхтатишни билдирди. Ироқ сиёсатчилари Америка қўмондонлигини Ироқдаги вазиятни янада чигаллаштираётганликда айбладилар.

НАРХЛАР АРЗОНЛАШТИРИЛДИ

Европанинг «Airbus» авиақурилиш концерни ўзининг «А350» ҳаво лайнери нархини икки бараварга арзонлаштирди, яъни 189 ва 215 миллион долларлик самолётлари баҳосини 102 миллион долларга туширди.

«The Times» газетасида ёзишларича, «Airbus» авиаконцерни раҳбарияти «Boeing» авиакомпанияси ташаббусига жавобан шундай қарорга келган. Яъни, «Boeing» ўзининг «Dreamliner» русумидаги самолётлари баҳосини 153 миллион доллардан 102 миллион долларга туширган.

Маълумки, ҳозирги кунда «Boeing 787 Dreamliner» самолётлари жаҳонда энг бозори чаққон ҳаво лайнерига айланган.

АЪЛОЧИЛАРГА КОМПЬЮТЕР

Греция да бу йил аълочи абитуриентларга шахсий компьютерлар текин тарқатилади. Мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган «100 долларга ноутбук» дастури 20 фоиз аълочи абитуриентни компьютер билан текин таъминлаш имконини беради. Бу 12,5 минг талаба компьютерли бўлди дегани.

Греция молия вазири Йоргас Алогоскуфиснинг айтишича, текинга интернетга уланиш имконини берувчи бу дастур мамлакатда «рақамли технологиялар инқилоби»ни юзага келтиради. «Новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 7,5 миллион еврога тенг.

Маълумки, Грециядa ўқувчилар олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. Ўрта мактабларда топширган давлат битирув имтиҳонларининг баҳоси ўқувчиларга абитуриент бўлиш имконини беради.

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманида жойлашган «Қўнғироқча» хусусий фирмаси «Қўнғироқча» хусусий корхонасига айлантирилишини **маълум қилади.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади:
369-42-81

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ШАҲАР РЕСПУБЛИКА ҲУҚУҚИЙ ЛИЦЕЙИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
«Фарғона шаҳар, генерал-майор Ғ.Зокиров номидаги Республика ҳуқуқий лицейини капитал таъмирлаш» «ҚМИ»га.

Қурилиш муддати — 2007 йил IV чораги ва 2008 йил I чорак.

Буюртмачи: Фарғона шаҳар, Гулистон кўчаси, 7-уй, тел/факс: 225-54-26.

Қурилиш-монтаж ишлари давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (офертaлар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

— Бизнинг институтимизда махсус лабораториялар ва бўлимлар мавжуд бўлиб, у ерда мутахассислар томонидан хориж давлатларидан келтирилган ва республикамизда янги ишлаб чиқарилган парфюмерия, пардоз ва санитария-гигиеник маҳсулотларнинг инсон терисига таъсири бор-йўқлигини ўрганиш борасида турли хил тест синовлари ўтказилади.

Синов тестлари орқали келтирилган маҳсулотнинг ишлатишга яроқлилигини, одам терисига ножўя таъсири борйўқлигини, умуман одам организмига зарар ёки зарарсизлиги аниқланади ва у ҳақда тегишли идораларга маълумотнома берилади.

Энди эски, кийилган кийимлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар бизнинг идора назоратидан ўтмайди.

Фикримча, бу кийимлар баъзи мутасадди тиббий ташкилотлар томонидан текшириб, уларни дезинфекциядан ўтказиб, сўнгра сотувга рухсат этиш керак, деб ўйлайман.

Чунки илгари шу кийим-бошлар ва пойабзалларни кийган кишиларда баъзи терининг юқумли касалликлари (қўтир, битлиқи, замбуруғ ва йирингли касалликлар) бўлган бўлиши мумкин. Бу инфекцияларни қўзғатувчи микроорганизмларнинг кўпчилиги ташқи муҳит таъсирига ўта чидамли бўлиб, биргина ювиш ёки дазмоллаш билан уларни зарарсизлантириш ёки йўқотиш мумкин эмас. Улар маълум шарт-шароитларда дезинфекциядан (дезинфекция камераларидан) ўтказилиши керак.

«Sekond hand» маҳсулотлари дезинфекцияси масаласи билан ҳам қизиқдик. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигидан олинган маълумотномада **«Мамлакатимизга келтирилаётган «Sekond hand» маҳсулотлари (фойдаланилган маҳсулотлар)га меъёрий ҳужжатларда талаблар белгиланмаган. Янги ишлаб чиқарилаётган ва келтирилаётган маҳсулотларга сифат кўрсаткичлари ва мажбурий талаблар давлат рўйхатига олинган меъёрий ҳужжатларда белгиланган. Қўшимча қилиб шуни айтиш жоизки, «Sekond hand» маҳсулотларининг гигиеник назорати масаласи бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилишингиз мақсадга мувофиқ»** дейилган.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика давлат санитария эпидемиология назорат марказига мурожаат қилдик. У ердан **«Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизга узоқ хориждан гуманитар йўл билан ёки тижорат мақсадларида киритиладиган «Sekond hand» кийим-кечаклари сертификация қилиниши шарт бўлган (ТИФ ТН кодлари бўйича) маҳсулотлар рўйхатига киритилмаган»,** деган мазмунда жавоб хати олдик.

Сўраб-суриштиришларимиздан шу нарса маълум бўлдики, кириб келишда уларнинг гигиеник назорати мамлакатимиздаги ҳеч қайси ташкилот томонидан амалга оширилмас экан. Бизнинг фикримизча, бу кийимлар гигиеник ҳолати ўзимизда ҳам назоратдан ўтказилиб, сўнгра сотувга рухсат берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тўғри, товар ҳужжатлари ичида маҳсулот уни юборган мамлакатда фумигация (махсус газ билан зарарсизлантириш) қилинганлиги тўғрисида сертификат мавжуд бўлади. Лекин биз мамлакат аҳолисининг соғлиги учун, энг аввало ўзимиз қайғуришимиз, унинг саломатлигига таҳдид солувчи сабабларнинг олдини олишга ҳаракат қилишимиз, хуллас, бу муҳим масалада назоратни ўзимиз ўрнатишимиз, керак деб ўйлаймиз.

«Sekond hand» маҳсулотлари бозори кенгаймоқда. Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотга қараганда, 2004 йил мамлакатимизга 957,2 тонна шундай маҳсулотлар олиб келинган бўлса, ўтган йили уларнинг миқдори 1276,8 тоннани ташкил қилган. Бу миқдор шундай кийимлар гигиеник назоратини кечиктирмай йўлга қўйилиши зарурлигини уқтираётгандай назаримизда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Спорт

РУСЛАН ЧАГАЕВНИНГ НАВБАТДАГИ РАҚИБИ

ШУ ЙИЛНИНГ 26 МАЙ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЖАНГДАН СЎНГ МАЪЛУМ БЎЛАДИ

«Allboxing.ru» интернет сайти тарқатган хабарларга кўра, яқиндагина профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида олтин камарга сазовор бўлган ҳамюртимиз Руслан Чагаев шу йилнинг ёзида жаҳон чемпионлиги унвонини ҳимоя қилиш учун рингга чиқиши мумкин экан. Боксчимизнинг ким билан куч синашиши эса 26 май куни ўтадиган навбатдаги рейтинг жангидан сўнг аниқ бўлади. Шу куни Буюк Британия вакиллари Мэтт Скелтон — Майкл Спротт ўртасида ўтказиладиган учрашув жаҳон чемпионлиги унвонига даъвогар номини аниқлаб беради.

Ҳар иккала боксчи ҳам ишқибозларга яхши таниш. Скелтон профессионал рингда ҳозиргача 21 та учрашув ўтказиб, 20 тасида ғалаба қозонган, бир маротаба мағлубиятга учраган. Бўйи — 191 см.ни ташкил этади. Мэтт 2006 йилнинг 8 июлида ўтказилган охирги жангида англиялик Дэнни Вильямсни енгганди.

Спротт эса ҳозиргача 40 та учрашувда ўз омадини синаб кўриб, шунинг 30 тасини ғалаба билан якунлаган, қолган барча жангида мағлубият аламини тотган. Бўйи — 183 см. Майкл сўнгги учрашувини шу йилнинг 17 февралида 2000 йилги Сидней олимпиадаси чемпиони Эйдлей Харрисонга қарши ўтказиб, зафар қучганди. Эътиборли жиҳати, 1975 йил 16 январда туғилган Майкл Спроттга қарши Руслан Чагаев илгари ҳам рингга чиққан эди. Ўтган йилнинг 15 июлида уюштирилган ушбу жангнинг саккизинчи раундида ҳамюртимиз рақибини техник нокаутга учратганди.

WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга рақиб бўлиш учун жангга ҳозирлик кўраётган ҳар икки британиялик боксчи аввал ҳам рейтинг учрашувида ўзаро куч синашган. 2004 йил 24 апрелда ўтказилган ўша жангда Мэтт Скелтон ҳамюрти Майкл Спроттни очколар ҳисобида мағлуб этганди.

Эркин ХОЛБОБО

ТАНТАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва овулларида ҳақиқий байрам. Эл-юрт Руслан Чагаевнинг ютуғи ҳаммамизнинг ғалабамиз, Ўзбекистонимизнинг ғалабаси, дея мағрурланмоқда.

Нукус шаҳри кўчалари, хиёбонлари, маданият ва истироҳат боғлари байрамдагидек безатилган. Амфитеатр томон келаётганларнинг юзларида қувонч, табассум. Бу ерда боксчимизнинг буюк ғалабасига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тантанали йиғилиш катта концертга уланиб кетди. Бундай тантанали йиғилишлар, кечалар, суҳбатлар республиканинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва овулларида бўлиб ўтмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ОЛТИНЧИ ТУРДА...

Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лига жамоалари олтинчи тур ўйинларини ўтказишди. Турнинг марказий учрашуви Қаршида «Насаф» — «Машъал» (Муборак) жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Мазкур баҳсда Ботир Қодирқулов томонидан киритилган ягона тўп меҳмонларга ғалаба келтирди. Мағлубият етмаганидек, ўйиннинг сўнгги дақиқаларида мезбонлар сардори Рўзикул Бердиевнинг майдондан четлатилиши «Насаф» жамоасини қийин аҳволга солиб қўйди. Энди қаршиликлар кейинги турда Зарафшонда «Қизилқум-Олтин» жамоасига қарши кечадиган учрашувда тажрибали Р.Бердиев кўмагига таяна олишмайди.

Қолган ўйинлар эса қуйидагича якунланди: «Пахтакор» — «Навбаҳор-Н» — 2:0, «Нефтчи» — «Металлург» — 2:1, «Тўпаланг» — «Самарқанд-Д» — 1:1, «Вобкент» — «Локомотив» — 1:0, «Шўртан» — «Бухоро» — 2:0, «Андижон-ЎзДЭУавто» — «Трактор» — 2:1, «Қурувчи» — «Қизилқум-Олтин» — 2:0.

Еттинчи тур баҳслари 28-30 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Қонликўл туманидаги 13-умумтаълим мактаби Оролбўйидаги намунали ўқув даргоҳларидан биридир. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароит яратилган. Ўтган йили ўқув биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Кенг ва ёруғ синфлар, компьютер хонаси ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган фан кабинетлари ўқувчиларнинг пухта билим олишига хизмат қилмоқда.

Айни чоғда мактабнинг 524 нафар ўқувчисига ўз касбининг фидойиси бўлган ўқитувчилар замонавий педагогик технологиялар асосида билим беряпти.

***Суратда:** кимё фани ўқитувчиси Гулистон Кундуллаева дарс пайтида.*

Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат

❖ Қадрият — ўзликни англаш

«СУЛТОН УЛ-ОРИФИН» ҲАҚИДА РИСОЛА

Бизга маълумки, кўҳна турон машҳур алломалару улуғ авлиёлар умргузаронлик қилган муқаддас заминдир. Бу мўътабар зотларнинг номлари жаҳонга машҳур. Ана шундай улуғ даҳолардан бири Хожа Аҳмад Яссавийдир. Биз ўзининг пурмаъно ҳикматларга бой шеърияти билан асрлар давомида халқимиз қалбини ўзига ром этиб келган Аҳмад Яссавий ҳақида, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида озми-кўпми биламиз, албатта. Аммо қадимий ёзма манбаларни ўрганаётган олимларимиз томонидан яссавия тариқатининг асосчиси бўлмиш бу улуғ зот ҳақида кўплаб янгидан-янги маълумотларнинг аниқланаётганлиги мумтоз адабий қадриятлар ҳақидаги қарашларимизни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Филология фанлари номзоди Ҳомидхон Исломийнинг «Фан» нашриётида чоп этилган «Султон ул Орифин — Хожа Аҳмад Яссавий» номли китоби кўпгина зеҳнли китобхонлар нигоҳидан ўтган бўлса ажаб эмас. Чунки, муаллиф Яссавийнинг нафақат улуғ зот эканлиги билан боғлиқ, балки ижодий фаолиятига оид қўлёзма меросларини, насабномаси ҳақида ҳам кенг маълумот беради. Китобда Сўфи Муҳаммад (XII аср), Навоий (XV), Фахруддин али Сафий (XVI), Ҳасанхожа Нисорий (XVI), Тоҳир Эшон (XVII), Ғулом Сарвар Лоҳурий (XIX)нинг асарларида Яссавий билан боғлиқ парчалар асл қўлёзмалардан таржима ҳолатида келтирилган. Рисолада Аҳмад Яссавийнинг ижодий мероси ҳақида ҳам батафсил маълумотларнинг борлиги муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода адабиётшунос олимнинг мазкур асари хассос шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятининг кўпчиликка маълум бўлмаган янги қирраларни очиб берган. Рисоланинг муҳим илмий манба сифатидаги аҳамияти шундан иборатки, унда шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ кўпгина маълумотлар бир неча асл қўлёзма асарлардан илк маротаба таржима қилиниб берилган. Бу ҳам илм аҳли, ҳам мумтоз адабиётимиз тарихи билан қизиқувчи китобсеварлар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Халқимизда «Мозийга қараб сабоқ олиш — ҳайрли иш» деган нақл бор. Зеро, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур сингари улуғ аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўлида биз ўзлигимизни кўрамиз, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади. Буюк сиймолар руҳи доим мададкордек енгил тортамиз. «Султон ул-Орифин» ижодий мероси тадқиқига бағишланган мазкур рисола ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилгандир.

Мунис ЖЎРАЕВА, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти, Беҳзод ЖЎРАЕВ, ЎзДЖТУ талабаси

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Алихон қишлоғидаги қурилиши тугалланмаган маъмурий бинони қишлоқ шифокорлик пунктига тайёр ҳолда қайта қуриш.

Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 85 700 000 сўм.

Қурилишни якунлаш муддати — 150 кун.

2. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Бахт қишлоқ аҳоли пунктига сув таъминоти қурилиши

Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 69 664 815 сўм.

Қурилишни якунлаш муддати — 75 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 150-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-369) 226-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш қунлари соат 10.00дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.**

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 150-уй.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши партия фаоли Мирза Аҳмедовга рафиқаси **Фарида ая АҲМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Сурхондарё вилоят Хўжалик судининг тегишли ажримларига асосан кузатув жорий этилган корхоналарнинг биринчи кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома

Корхона ва ташкилот номи	Корхона раҳбари (исми-шарифи)	Кузатув жорий этилган Хўжалик судининг ажрими (рақами, санаси)	Корхона манзили	Банкротлик таомили	Муваққат бошқарувчи (исми-шарифи)	Йиғилиш ўтказиладиган сана	Йиғилиш ўтказиладиган манзил
1	2	3	4	5	6	7	8
Қумқўрғон тумани, «Қумқўрғон-қурилиш» МЧЖ		03.04.2007 19-0709-1381	Қумқўрғон тумани	Кузатув	Г.Аллаёров	4.05. 2007 йил соат 11-00	Қумқўрғон ДСИ биносида
Термиз тумани, «Термизқурилиш СИС» МЧЖ	Д.Хурсандов	03.04.2007 19-0709-1382	Термиз шаҳар, Олмазор кўчаси, 17-уй	Кузатув	Р.Жўраев	9.05. 2007 йил соат 11-00	Термиз тумани, «Термизқурилиш СИС» МЧЖ биносида
Жарқўрғон тумани, «Жарқўрғон тозалик» МЧЖ	Б.Мамадалиев	03.04.2007 19-0705-1378	Жарқўрғон тумани	Кузатув	Ж.Қулмирзаев	5.05. 2007 йил соат 10-00	Жарқўрғон туман ДСИ биносида
Термиз шаҳри, «Термиз нон» МЧЖ	Т.Қоракулов	03.04.2007 19.0709-1375	Термиз шаҳар, А.Бобохўжаев кўчаси, 3-уй	Кузатув	Д.Ҳайдаров	3.05. 2007 йил соат 10-00	Термиз шаҳар, «Термиз нон» ҳиссадорлик жамияти биносида (Термиз шаҳар. А.Бобохўжаев кўчаси, 3-уй)
Термиз шаҳри, «СПМ-702» МЧЖ	А.Аҳмедов	03.04.2007 19-0705-1379	Термиз шаҳри	Кузатув	М.Турсунов	3.05. 2007 йил соат 11-00	Термиз шаҳар, «Термиз нон» ҳиссадорлик жамияти биносида
Ангор тумани, «Бунёдкор» МЧЖ	А.Валиев	04.04.2007 19-0705-1383	Ангор тумани	Кузатув	Ж.Қулмирзаев	2.05. 2007 йил соат 10-00	Ангор туман ДСИ биносида
Термиз тумани, «Бунёдкор» МЧЖ	Р.Чориев	04.04.2007 19-0705-1384	Термиз тумани, «Узқизил» қўрғони	Кузатув	Р.Жўраев	8.05. 2007 йил соат 11-00	Термиз туман ДСИ биносида
Денов тумани, «РМЗ» МЧЖ	Т.Мирзаев	03.04.2007 19-0705-1380	Денов шаҳар, А.Темур кўчаси, 67-уй	Кузатув	М.Равшанов	4.05. 2007 йил соат 11-00	Денов тумани, «РМЗ» МЧЖ биносида
Термиз шаҳри, «Йўлдош» МЧЖ		03.04.2007 19-0709-1376	Термиз шаҳри, Привокзальная кўчаси, 22-уй	Кузатув	Т.Жўраев	4.05. 2007 йил соат 11-00	Термиз шаҳри. «Йўлдош» МЧЖ

Сурхондарё вилоят Хўжалик судининг тегишли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган корхоналарнинг навбатдаги кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома

Корхона ва ташкилот номи	Корхона раҳбари (исми-шарифи)	Банкрот деб эътироф этилган сана	Корхона манзили	Банкротлик таомили	Тугатиш бошқарувчиси (исми-шарифи)	Йиғилиш ўтказиладиган санаси	Йиғилиш ўтказиладиган манзили
1	2	3	4	5	6	7	8
Олтинсой тумани, «Олтинсой шароби» ҳиссадорлик жамияти	Ш.Қаландаров	29.08. 2006 йил	Олтинсой тумани, «Ш.Қосимов» номли ш/х	тугатиш	А.Мавлонов	25.04.2007 йил соат 11-00	Олтинсой тумани, «Олтинсой шароби» ҳиссадорлик жамияти биноси

Юқорида қайд этилган корхоналарнинг кредиторлари йиғилишга ўзаро қарздорлик солиштирма далолатноманинг нусхаси ва ишончнома тақдим этишлари шарт. Мазкур қарздор корхонага нисбатан кредиторлар талабнома тақдим этишлари лозим. Қўшимча маълумот учун манзил:

Термиз шаҳри, Н.Хўжаев кўчаси, 5-уй. Тел.: (8-376) 227-29-12, 222-83-61, 223-31-33.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349

11574 nusxada bosildi

Г — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 22.35
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda